O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH-ADOLATDADIR

# ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2007 йил 18 май, жума № 21 (619)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОРОЛБЎЙИГА САФАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида 17 май куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги янгиланишлар одамларнинг турмуш тарзида, онгу шуурида ўз инъикосини топмоқда. Бу — Қорақалпоғистон аҳлининг заҳматли меҳнати эвазига эришилаётган ютуқларда, шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг қиёфасида, ишга туширилаётган янгидан-янги иншоотларда, ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида янада яққолроқ намоён бўлади.

Ер ҳақиқий эгасини топмоғи керак. Унинг асл соҳиби эса фермердир. Таъбир жоиз бўлса, Юртбошимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб моҳиятини ана шундай изоҳлаш мумкин.

Қорақалпоғистонда ҳам фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда қарийб 10 минг фермер хўжалиги фаолият олиб бораяпти. Шулардан 4,5 мингга яқини пахтачилик, 2 мингдан кўпроғи ғаллачилик, салкам бир ярим мингтаси полизчилик, яна мингга яқин фермер хўжалиги чорвачилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланади. Ўтган йили уюлган пахта хирмонининг 98 фоизи фермерлар улушига тўғри келгани ҳам мазкур соҳада ишлар изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга сафарини аграр соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишишдан бошлади. Хўжайли туманининг "Тошкент" фермер хўжаликлари бирлашмаси, шунингдек, Қанликўл туманидаги "Бескўпир" муқобил машина-трактор паркига қарашли Бахт Назаров раҳбарлигидаги "Худайберган Шаншимай" фермер хўжалиги ҳамда Тожихол Эшқобулова раҳбарлигидаги "Ғофир" фермер хўжалиги далаларида бўлди.

Фермер Тожихол Эшқобулова 20 гектар ерда ғўза ва шунча майдонда ғалла парваришламоқда. Бунда тасарруфидаги ўндан зиёд техникадан унумли фойдаланаётгани қўл келмоқда. Унинг 300 бош қорамоли ҳам бор.

Юртбошимиз билан суҳбат чоғида фермер ўтган йили 30 миллион сўм даромад олиб, иккита кам таъминланган оилага сигир ҳадя қилгани ва муқаддас ҳаж зиёратига бориб келгани ҳақида сўзлаб берди.

Президент Ислом Каримов қорақалпоғистонлик фермерлар билан учрашувлари чоғида мураккаб иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётгани учун уларга самимий миннатдорлик изҳор этди. Кишиларнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш уларнинг меҳнат жабҳасида янгидан-янги марраларни эгаллашларида муҳим омил эканига эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз саноатида Қорақалпоғистоннинг алоҳида ўрни бор. Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Урга газ кони, "Элтекс" ва "Катекс" каби ишлаб чиқариш мажмуалари замонавий саноат корхоналаридандир. Ўтган йилнинг ёзида улар қаторига Қўнғирот сода заводи қўшилди.

Ушбу йирик завод ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона ҳисобланади. Мазкур корхона йилига 100 минг тонна кальцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Сода ишлаб чиқариш технологияси мураккаб жараён. Ушбу жараён дунёга машҳур "Хонивелл" ва "Сименс" фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқарилади. Янги корхонанинг яна бир аҳамиятли томони — бу ерда бир минг 300 нафар киши меҳнат қилади.

Ислом Каримов завод марказий бошқарув пульти мутахассислари билан мулоқотда бўлди.

2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмликдан зиёд сода сотилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг августидан эътиборан бу ерда ҳар йили 100 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди. Илгари Ўзбекистон кимё саноати учун йилига 70 минг тонна ана шундай маҳсулот четдан келтирилар эди. Эндиликда Оролбўйида ишлаб чиқарилаётган ушбу сода мамлакатимиздаги "Кварц" акциядорлик жамияти, "Фарм-гласс" ва "Ғазалкент-ойна" қўшма корхоналари, шунингдек, ёғ-мой, кимё, металлургия корхоналарига етказиб берилмоқда. Яқин орада завод маҳсулотларининг ички эҳтиёждан ортиқча қисмини хорижга экспорт қилиш бошланади.

Мамлакатимиз раҳбари Устюрт саҳросида қад ростлаган ушбу ноёб корхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамзи бўлибгина қолмай, халқимизнинг, аввало, шу заминда истиқомат қилаётган қорақалпоқ элининг ғурур ва ифтихори эканини таъкидлади. Завод фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, ишчи-хизматчиларга тегишли шарт-шароит яратиш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги "Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимнинг ўқув-лаборатория базаси завод ҳудудига жойлаштирилди.

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 192 нафар талаба тўрт ихтисослик бўйича таҳсил олмоқда.

Президентимиз завод инженер-техник ходимлари, ишчи—хизматчилари билан учрашди.

- Далаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати кўнгилни қувонтиради, - деди Юртбошимиз. - Халқимиз истиқлол неъматларига шукроналик туйғуси билан яшамоқда. Кишиларимиз бахт, орзу-ният оғушида, кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, келажакка — Ватанимизнинг ёруғ истиқболига қатъий ишонч билан қарамоқда.

Президентимиз Нукус шаҳридаги Болалар ёпиқ спорт саройини бориб кўрди. Барча замонавий шарт-шароитларга эга мазкур спорт масканида бир кунда 500 нафар бола спортнинг 14 тури билан шуғулланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт мураббийлари ва спортчилар билан мулоқотда бўлди. Спортчи ўғил-қизларга спорт анжомлари совға қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида ўзига хос қиёфа касб этаётган Урганч шаҳрида, хусусан, унинг марказий майдонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Икки арк, ранго-ранг фавворалар, буюк аждодимиз Ал-Хоразмийнинг маҳобатли ҳайкали майдонга ўзгача виқор ва кўрк бағишлайди.

Юртбошимиз бу ерда меҳнат қилаётган қурувчи ва муҳандислар билан суҳбатлашди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

**Ғулом МИРЗО,**
**Аминбой ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**16-17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов кўриб чиқиш учун иккинчи ўқишда киритилган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Маърузачи таъкидладики, мазкур қонун лойиҳаси маъмурий ишларни қўзғатиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг аниқ тартибини, маъмурий шикоятлар бўйича иш юритишнинг ягона қоидаларини белгилашга, маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги бошқа масалаларни тартибга солишга қаратилган. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши натижасида давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, давлат бошқарувининг муайян масалаларини ҳал қилиш учун тузиладиган ва бунинг учун давлат-ҳокимият ваколатлари берилган органлар ўз фаолиятларини амалга оширишда янада аниқ ҳуқуқий базага эга бўладилар, бу эса уларга ўз ишларини мавжуд талабларга мувофиқ такомиллаштириш имконини беради.

Қонун лойиҳасининг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этдилар. Муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва қўшимчалар киритдилар, мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва учинчи ўқишда кўриб чиқишга киритиш учун маромига етказиш вазифасини масъул қўмитага топширди.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси С.Турсунов ахборот берди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш вақтида ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳасининг айрим нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси ҳужжатга киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси А.Жўрабоев «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси фавқулодда вазиятлар юзага келган пайтда телекоммуникациялар ресурслари ва тармоқларининг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ягона марказлашган тезкор бошқарувини таъминлаш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, бундай бошқарув авария-тиклаш ва қутқарув ишларининг самарадорлигини анча ошириш имконини беради. Бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

**(ЎзА)**

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ҚАРОРИ — «ИККИ ЁҚЛАМА СТАНДАРТЛАР»НИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 14 май куни Ўзбекистонга нисбатан санкцияларни узайтириш тўғрисида асоссиз ва нохолис хулоса қабул қилингани муносабати билан берган баёноти хорижий мамлакатларнинг давлат, сиёсат ва эксперт доираларида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида катта акс-садо берди.**

Хусусан, Франциянинг «Bastlille-Republique-Nations» ойлик нашри бош муҳаррири Пьер Левининг фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу қарори ғайриқонуний, адолатсиз ва ҳатто хавфлидир.

- Мазкур қарорнинг ғайриқонунийлиги шундаки, - деб таъкидлади П.Лев,- Европа Иттифоқи бутун Европа халқлари номидан гапиришни даъво қилаётган экан, аввало, уларнинг фикрини ўрганиб чиқиши лозим эди. Бу халқлар ҳақиқий воқеадан яхши хабардор бўлганида, мазкур янги қарор уларни қаттиқ таажжубга солган бўларди. Чунки мазкур қарор Европа Иттифоқига аъзо 27 мамлакатнинг ташқи сиёсати ва умумий хавфсизликка оид сиёсатида икки ёқлама стандартлар мавжудлигига ишорадан ўзга нарса эмас. 2004 йилдан бери Европа Иттифоқига аъзо Эстонияда рўй берган бир воқеани мисол келтирмоқчиман. Эстония ҳукумати 1945 йилдаги ғалаба рамзи бўлган ва 60 йил мобайнида Таллин марказида қад ростлаб турган ёдгорликни кўчириш ташаббуси билан чиқди. Бу, пировардида, мамлакатдаги русийзабон аҳоли орасида оммавий норозилик пайдо бўлиб, намойишлар юз беришига ва уларнинг куч билан бостирилишига олиб келди. Натижада юзлаб одам жароҳатланди. Бир киши ҳалок бўлди. Кўплаб одамлар ҳибсга олинди. Европа Иттифоқи эса бунга эътироз билдириш ўрнига Эстония ҳукумати билан бирга эканлиги тўғрисидаги баёнотини овоза қилди.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг адолатсизлиги шундаки, ЕИ Ўзбекистонга икки марта ўз делегациясини жўнатди. Уларнинг аъзоларига Ўзбекистон томонидан фожеали воқеалар юз берган жойларга бориш, у ерда гувоҳлар билан бевосита суҳбатлашиш имконияти яратиб берилди. Амалда эса, воқеаларнинг ҳаққоний манзарасини аниқ кўрсатиб берувчи кўплаб далиллар мавжудлигига қарамай, гўё Ўзбекистон айрим Европа давлатлари назарида муқаррар «айбдор» бўлиши керак, деган таассурот қолмоқда.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг хавфлилиги шундаки, ЕИ халқаро муносабатлар соҳасида ЕИ санкцияларини қўллаш сиёсати одатий ҳолатга айланиб бораётганини кўрсатувчи ўзининг «ноёб» концепциясини яна бир карра намоён этди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар (Вашингтон сингари) ким кучли бўлса, ўша ҳақ, деган ягона қонунга амал қилишдек аянчли иллатга хос аломатларни кўрсатмоқда. Улар ана шу мақсадларига эришиш учун атай ўйлаб топилган «инсон ҳуқуқлари» билан боғлиқ тезислардан фойдаланмоқда. Ушбу хатти-ҳаракатларнинг асл замирида эса узоқни кўзлаган геостратегик мақсадлар, аниқроғи, энергия манбаларини қўлга киритиш режаси ётибди.

Европа Иттифоқининг мазкур қарори эркин, тенг ва суверен мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай мантиққа асосланишини нотўғри тушунишнинг яна бир намойиши бўлди.

Миср ташқи ишлар вазири ўринбосарининг ёрдамчиси Фаргали Таха Тошкентдаги Миср элчихонасида ишлаган ўша 2005 йилдаёқ қатор ғарб мамлакатларининг Андижон воқеаларига ёндашувига нисбатан салбий муносабат билдирганини қайд этди.

Ф.Таха Миср ҳар доим бу масалада Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаганини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагини таъкидлади. У Европа Иттифоқи давлатларининг асоссиз хулосаларини қоралади. Унинг фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу позицияси Европа давлатларининг улкан имкониятларга эга Ўзбекистон Республикаси билан муносабатини ривожлантиришга монелик қилади.

Халқаро стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Одил Сулаймон Европа Иттифоқи қарорини танқидий баҳолар экан, "Ғарб давлатлари бошқа мамлакатларда рўй бераётган жараёнларни нотўғри тушуниб, оқибатда террорчилик фаолияти ортида турган бузғунчи кучларни ҳимоя қилиб, номуносиб йўл тутмоқда", деди.

О.Сулаймон Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи Кенгаши хулосасига нисбатан берган адолатли жавоби тўғри эканини таъкидлади.

"Нухба" тадқиқот маркази (Миср) раҳбари Аҳмад Фода Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2007 йил 15 майдаги баёноти билан танишиб чиққач, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилганини айтди.

Унинг фикрича, Европа Иттифоқи Ғарбга хос демократик қадриятларни бошқа мамлакатларга тиқиштиришдан аввал, муайян жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар ушбу мамлакат аҳолисининг менталитетига асосланишини яхши англаб олиши даркор.

Кувайтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти Ўзбекистон томонининг барча манфаатдор томонлар билан холис мулоқотга тайёр эканини тасдиқловчи пухта ўйланган ҳамда аниқ далилларга асосланган ҳужжат сифатида баҳоланди.

Масалан, Арабистон очиқ университетининг Кувайт филиали директори, сиёсатшунос Фаҳд ал-Мекрад Ўзбекистонда бир неча марта бўлиб, бу ерда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ўзгаришлар жадал ва изчил амалга оширилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Шу муносабат билан у, давлат бошқарувини демократлаштириш, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтириш борасидаги ишлар муҳим самаралар бераётганини таъкидлади.

У дунёнинг барча мамлакатларида давлатга қарши жиноят ҳисобланган конституциявий тузумга тажовуз қилишга оид фактларни текшириш мазкур давлатнинг ички иши экани ва бу жараёнга четдан аралашувларга асло йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратди.

Фаҳд ал-Мекраднинг фикрича, Ўзбекистоннинг бир неча Европа экспертлари гуруҳларига 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар юзасидан тергов ва суд жараёнлари материаллари билан танишишга рухсат бергани республика раҳбариятининг мулоқотга тайёр эканининг яна бир далилидир.

Сиёсатшуносининг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мазкур баёноти ўзини "инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар" деб атайдиган баъзи кимсаларнинг ғаразли, ҳақиқатдан йироқ баёнотларига таянадиган, Андижон воқеаларини текшириш натижаларини қасддан бузиб кўрсатишга ва Ўзбекистон танлаган демократик ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини шубҳа остига қўйишга интилаётган айрим кучларга нисбатан аниқ далиллар билан исботланган жавоб сифатида кўриб чиқилиши лозим.

**("Жаҳон" - ЎзА)**

Семинар

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ, МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

**янги сиёсий воқеликда партия азоларини янгича услуб ва андозалар билан ишлашга ундайди**

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан вужудга келадиган муҳим сиёсий жараёнларга тайёргарлик кўриш, қонунда белгиланган ҳуқуқ, имконият ва масъулиятни теранроқ англаш, фаолиятни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг семинар-кенгаши бу сафар республикамизнинг Самарқанд, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида давом эттирилди. Семинар-кенгашларда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиблари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашлари котиблари, фаоллар иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, янги сиёсий шароит сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Конституциявий қонунлар кучга кириши билан сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтириш, аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, жамият ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаши учун ҳуқуқий имконият яратилади.

Шундай экан, партиянинг аҳоли ўртасидаги нуфузини ошириш, сиёсий тажрибасини бойитиш, етук сиёсий мавқега эришиш учун фаолиятни тубдан яхшилаш, янгича иш услубига эга бўлиш, айниқса, молиявий мустақиллик йўлида фаол ҳаракат қилиши зарур. Бўлиб ўтган семинар-кенгашларда айнан шу масалалар хусусида баҳс-мунозара юритилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг аъзолари бугунги кунда 23 минг нафардан ошиб кетди. Вилоятда 16 та шаҳар ва туман Кенгашлари фаолият кўрсатади. Аъзолар сони ва тадбирлар кўлами бўйича вилоят республикамизда етакчи ўринни эгаллайди. Ўтган йили вилоят Кенгаши кўмагида 74 миллион сўмлик хайрия тадбирлари уюштирилди. Жорий йилда 6-, 10-Меҳрибонлик уйларига ҳам хайрия ёрдами кўрсатилди. "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган жамоатчилик назорат гуруҳлари ичида ҳам вилоят Кенгаши пешқадам. Биргина фуқароларнинг мурожаати асосида туман ва шаҳарларда кўплаб муаммоларнинг ечими топилди. Жойларда аҳолини иш билан таъминлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, коммунал соҳа муаммолари, ер олишга, уй-жой солишга кўмаклашиш шулар жумласидан. Бироқ партиянинг вилоят ҳаётида мустаҳкам мавқега эга бўлиши учун бу кўрсаткичлар етарли эмас, дея таъкидланди Самарқанд шаҳар Ёшлар марказида ташкил этилган семинар-кенгашда. Партия ишини жонлантириш, биринчи навбатда, фуқароларда давлат ва жамият ҳаётига дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини, ислоҳотлар жараёнидаги ҳиссасини оширишга кўмаклашиш, қолаверса, одамларнинг оғирини енгил қилишда биргаликда изланадиган, курашадиган чинакам сиёсий ташкилотга айланмоқ лозим. Асосийси, халқ эътибори ва ишончини қозонишдир.

(Давоми 2-бетда)

Партия кўзгуси

# Ташкилий масала кўрилди

*Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми ўтказилди.*

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги кўрсаткичларни изчиллик билан ўсиб бормоқда. Бунда вилоят аҳолисининг меҳнати, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши катта. Бу фикрларни "Адолат" СДП фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумотларга қараганда, 2005 йилда партия аъзолари сони қарийб 1200 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган йилга келиб яна 942 кишига кўпайган. Вилоятда 8 та туман, 2 та шаҳар бўлиб, барчасида Кенгашлар фаолияти йўлга қўйилган. Аммо, бошлангич партия ташкилотлари ишини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Шу билан бирга Зарафшон шаҳри ва Учқудуқ туманида анча вақтдан буён Кенгаш котиби вазифаси бўш турибди. Вилоят ёки туман Кенгашлари томонидан жойларда аҳолини сиёсий онги, маънавий-маърифий тадбирлар кўламини ошириш ишлари суст давом этмоқда. Бу эса партия фаолиятини янада яхшилаш, аъзолар сонини кўпайтириш, аҳоли билан ҳамкорликда фаолият олиб боришга жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди. Аъзолик бадалларини йиғиш режаси сурункали равишда бажарилмай келаяпти.

Вилоят партия Кенгашида юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун ташкилий масалаларга эътибор қаратилди. Даставвал, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши таркибидан чиққанлар тасдиқланиб, улар ўрнига янги аъзолар сайланди. Шунингдек, вилоят Кенгашининг иккинчи котибини сайлаш масаласи кўриб чиқилиб, ушбу вазифага айни пайтда Давлат тест марказининг вилоятдаги вакили Нурхон Бекниёзов лойиқ топилди. Навоий вилоят партия Кенгаши Ижроия Қўмитаси янги таркиби ҳам сайланди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП матбуот хизмати**

ФУҚАРОНИНГ СИЁСИЙ ЭРКИНЛИГИ УЗИНИНГ ХАВФСИЗ ЭКАНЛИГИГА БЎЛГАН ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН РУҲИЙ ОСОЙИШТАЛИКДИР. *Монтескье*



# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ, МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

## янги сиёсий воқеликда партия азоларини янгича услуб ва андозалар билан ишлашга ундайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Янги сиёсий воқеликнинг моҳияти шундан иборатки, – деди тадбирда сўзга чиққан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмуҳамедова, – у кучли фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар бир инсонга жамият ҳаётида ўз ўрнини аниқ белгилаб олишга кўмаклашади ва сиёсий фаолият юритиш учун кенг имкониятлар яратади. Аниқ фуқаролик позициясини белгилаб олиш ҳамда жамият ҳаётида иштирокини таъминлаш учун одамлар бир мақсад ва маслакка эга бўлган сиёсий партияларга бирикиб, фаолият олиб боришади.

Кўриниб турибдики, бундай сиёсий воқелик фуқародан катта масъулият ва ҳозиржавобликни талаб этади. Фуқаро етук сиёсий онг ва дунёқарашга, аниқ мақсад ҳамда дастурга эга бўлмас экан, бу ишда бирор натижага эришиш қийин. Масъулиятни чуқурроқ англаш учун ҳам билим ва тажриба, фаолиятда эса журъатни белбоғ, ташаббусни байроқ қилмоқ лозим.

Ҳозир партия сафларида 60 мингга яқин аъзолар бор. Уларнинг асосий қисми хизматчилар ва зиёли қатлам вакиллари. Республикамизнинг 193 та аҳоли турар жой пунктида 1144 та бошланғич партия ташкилоти иш олиб бормоқда. Бу катта жуғрофия ва кенг кўламли ишларимиздан далолат. Аммо аҳолининг асосий қисми манфаатларини адолат ва демократия тамойиллари асосида ифодалашга, адолатли демократик жамиятнинг кучли ўрта синфини шакллантиришга интилаётган «Адолат» СДП учун бу кўрсаткичлар етарлими? Мавжуд ташкилий ишларимиз ва вакиллик органларидаги салоҳиятимиз билан янги қонун ижросига нечогли ҳисса қўша оламиз?

Сиёсий фаоллик фақат юқори кенгашдан буйруқ ёки кўрсатма кутиб ўтириш, тадбир ва тарғиботларни фақат дастурлар миқёсида олиб бориш билан чекланмайди. Янги таклиф ва ташаббусларни кўпроқ қуйи ташкилотлар ҳисобига ошириш барча тараққий этган давлатлар тажрибасида катта самара берганлиги кўзга ташланади.

Қаерда партия етакчиси ижтимоий-сиёсий соҳаларда ташаббускор бўлмаса, аъзолар сафини кенгайтириш учун дастурий тарғибот ва ишга ёндошувнинг янги усулларидан фойдаланмаса, маҳаллий кенгашларда ўз ўрни ва овози бўлишига интилмаса, бирор ижобий натижага эришиши мушкул. Бугун барча сиёсий ислоҳотларда сиёсий фаоллик ва масъулият биринчи галда сиёсий партиялар зиммасида эканлигини янада чуқурроқ тушунишимиз, ислоҳотлар моҳиятини теранроқ англашимиз бугуннинг долзарб вазифасидир.

Партия раҳбари фаолиятнинг бир неча муҳим йўналишларига ургу бераркан, йиғилганлар эътиборини аъзолик бадалларини кўпайтириш ва кадрлар захирасини шакллантиришга қаратди.

Маҳаллий Кенгашлар ва парламентга сайловлар даврида фақат партия номзодларини аниқлаш билан чекланмасдан, балки уларни шу жараёнларга пухта тайёрлаш, бу борадаги билим ва тажрибаларини бойитиш зарур, деди нотиқ. Афсуски, бу борадаги ишларимиз мақтагулик эмас. Аъзоларимиз таркибида зиёли, катта салоҳиятга эга шахслар кўплигини инобатга олсак, бу ўринда ҳудудий ташкилотлар ишида ташаббус ва ишчанлик руҳини кучайтиришга эҳтиёж сезилади. Партиянинг айнан мана шу бўғини номзодларни халққа таништириш баробарида, аҳоли ўртасидаги ишонч ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, партиянинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ролини кучайтириш мақсадида сайловчилар билан ишлаш тизимини, жамоатчилик назоратини қатъий такомиллаштириш зарур. Чунки жойлардаги долзарб муаммолар ва ечимини кутаётган масалалар ҳолатини фуқаролар билан учрашувларда, уларнинг аризаларини таҳлил қилиш жараёни орқали ўрганиш имкони бўлади. Мана шундай йўл билан сайловчилар ва кенг аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилсак, улар ишончини оқласак, ҳам партия нуфузини оширган бўламиз, ҳам тарафдорларимиз сони кўпаяди, энг муҳими, кейинги сайловлар жараёнида парламент ва маҳаллий кенгашларда кўпроқ ўрин эгаллашга имконият туғилади.

Шундан сўнг семинар-кенгаш йиғилганларнинг фикр-мулоҳазалари билан давом этди.

Мамаюсуф Салимов, Самарқанд шаҳар Кенгаши биринчи котиби:

– Бундан бир йил олдин Қашқадарё вилояти Китоб туманида ўтказилган семинардан катта таассуротлар билан қайтгандик. Тажрибаларни шаҳар Кенгаши фаоллари билан ўртоқлашдик ва амалда қўлладик. Натижа ёмон бўлмади. Биринчидан, партия меъёрий-ҳужжатлари билан ишлаш усули такомиллашди, иккинчидан аъзолар сонини кескин оширишга эришдик. Қоларверса, моддий-техник таъминотимиз анча яхшиланди. Айни кунларда фаолиятимизнинг заиф бўғинларига барҳам бериш устида иш олиб бораяпмиз. Энг муҳими, аҳоли ўртасида етакчи партиявий ташкилот бўлишга, улар ишончини қазонишга ҳаракат қилаяпмиз.

Исомиддин Шарипов, Ургут туман Кенгаши биринчи котиби:

– Юқорида жамоатчилик назорати хусусида сўз юритилди. Мен бу борада маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда туман Кенгашлари қошида назорат гуруҳларини тузишни таклиф қилардим. Бу биз олиб борадиган жамоатчилик назоратининг самарадорлигини таъминлаган бўларди.

Мурод Жўраев, Нуробод туман Кенгаши биринчи котиби:

– Бизнинг туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кўп ўзгаришлар рўй бераяпти. Шу билан бирга, муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш масаласи бир маромда эмас. Бу борада фуқаролар бизга кўп марта мурожаат қилишган. Таклиф ва тавсияларимизни мутасадди ташкилотларга етказдик. Албатта, бу масаланинг ечими назоратимизда туради.

Нафиса Омонова, Иштихон туман Кенгаши Ёшлар қаноти етакчиси;

– Туманимизда билимли, иқтидорли ёшлар кўп. Уларни партия сафига жалб қилиш ишларичи олиб бораяпмиз. Аммо тарғибот материалларимиз кам. Шунинг учун ёшларни партия дастури ва мақсади билан яқиндан таништириш, сиёсий билим ва кўникмаларини оширишга доир махсус кўлланмалар чоп этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Семинар-кенгашнинг кейинги босқичида вилоят кенгаши депутатлари фаолиятига ургу берилди. Ҳозирда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашига партия сафидан етти нафари депутат этиб сайланган. Маҳаллий Кенгашлар ва қуйи ташкилотлар манфаати ва таклифини ҳимоя қилишда, муаммо ва камчиликларни мутасадди идораларга етказишда, энг асосийси вакиллик органлари фаолиятига самарали таъсир кўрсатишда вилоят Кенгаши депутатлари муҳим ўрин тутади. Шу боис тадбирда улар иши тўғрисида ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Дилором Тошмуҳамедова, "Адолат" СДП биринчи котиби:

– Вилоятда партия Кенгашлари мавқеи ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Лекин халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ўз таклиф ва муносабатларини ижро органи вакилларига қай даражада етказа олади?

Жуманиёз Алибеков, "Адолат" СДП вилоят Кенгаши биринчи котиби:

– Бу масалага чуқур ва таҳлилий ёндошиш талаб этилади. Биринчидан, таклиф ва муносабатлар аниқ ҳамда асосли бўлиши керак. Иккинчидан, муаммо ечими қандай ва унинг аҳамиятли жиҳатларини ҳам батафсил ўрганиб чиқиш лозим. Бу борада вилоят Кенгаши депутатлари якдил хулоса ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишса, албатта ижобий натижага эришиш мумкин.

Вилоят Кенгаши депутатларининг партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги хусусида гапирсак, биргина Жомбой тумани мисолида кўпгина амалий ишларга кўл урилди. Ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлиги ошди. Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларини партия сафига жалб этиш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилган.

Қизғин баҳс-мунозарага бой тарзда ўтган семинар-кенгашда "Адолат" СДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари А. Абдуназаров ва Х. Маматов сиёсий партиянинг ташкилий-назорат ишлари, молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва меъёрий ҳужжатлар моҳияти хусусида батафсил маълумот беришди.

* * *

"Адолат" СДП Навоий вилоят Кенгашида бўлиб ўтган семинар ҳам Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан партиянинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини тубдан кучайтириш борасидаги амалий вазифаларга бағишланди.

Семинарда вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Дўстмурод Холиқулов шаҳар, туман Кенгашлари, бошланғич ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари – ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам даромадли оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бирмунча тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Шундан сўнг партия Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров партия фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашувини янгилаш концепцияси ҳақида маъруза қилди.

– Қонунларнинг қабул қилиниши сиёсий партияларга, шу жумладан, «Адолат» СДПга ҳам тенг ҳуқуқий имкониятлар очиб берди, – деди жумладан у. – Шу муносабат билан янги концепцияда партияни ташкилий ва ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлаш, маънавий-сиёсий жиҳатдан етук янги аъзоларни жалб этиш ҳисобига партия ташкилотлари таркибини кучайтириш масаласи биринчи галдаги вазифа сифатида қабул қилинди.

Шу билан бирга маърузачи Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан партия ишини такомиллаштиришга доир 2007 йилги Ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритиб, белгиланган вазифаларнинг аниқлиги ва мураккаблиги билан аввалги дастурлардан фарқ қилишини таъкидлади. Дастурнинг "Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий фаолият" қисми ҳақида ва унинг моҳияти хусусида батафсил тушунча берди. Шунингдек, дастурнинг «Ташкилий фаолият» деб номланган иккинчи қисмида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари партиядан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда партия фаоллари билан мавжуд ижтимоий масалаларини ҳамкорликда ҳал этиш борасидаги фаолияти ҳақида сўз юритилди.

Семинар ишида иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Юсуфжон Нишонов ва Зуҳра Ботированинг «Партиявий ижтимоий назоратнинг миллий қонунчилигимиздаги меъёрлари», "Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларда «Адолат» СДПнинг ўрни" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

* * *

Термиз тиббиёт коллежида "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг "Партия фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашувни янгилаш – давр талаби" мавзусида ташкил этилган семинар янги таклиф, тавсиялар ва мунозараларга бой бўлди.

– Мафкура доимо сиёсий партиянинг ўзагини ташкил этган, – деди "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Исмоил Саифназаров ўз маърузасида. – Шундай экан, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламлари учун зурур ижтимоий муҳофазани таъминлашдек эзгу мақсадларни кўзлаган «Адолат» СДП янги сиёсий жараёнларда социал-демократия мафкурасига содиқ қолиб, жамиятнинг муайян қатламлари ҳамда манфаатларини ҳимоялайди ҳамда ижтимоий масалаларни ифода қилишда давом этади. Бугунги тадбирда билдирилган фикрлар эса социал-демократик ғоялар муштараклигини таъминлаш билан бирга, аниқ тизимга асосланган мафкурани такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.

Албатта, инсон жамиятда яшар экан, унинг ўзига хос истаклари, дунёқараши ва муайян позицияси бўлади. Айни шу жиҳатдан "Адолат" СДП мамлакатимизнинг маълум аҳоли қатлами ирода ва мақсадларини бирлаштирган сиёсий кучдир. Партиянинг давлат ва жамият ҳаётида обрў-эътибор, ишонч ва нуфузи ортишида сиёсий кучларнинг жипслиги, муштарак мақсадлари алоҳида аҳамият касб этади.

Семинарда кейинги бир йил ичида вилоят Кенгаши фаолиятида бирмунча ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Жумладан, аъзолар сони, тадбирлар кўлами ва таъсирчанлиги, шунингдек, вилоят аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш, муаммо ва камчиликларни ҳал этишдаги иштироки ортган. Айниқса, Бойсун туманида бир неча қишлоқнинг ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси партия фаоли Ҳайитмурод Раҳимов ташаббуси ва кўмагида ҳал этилгани ибратли тадбир сифатида таъкидланди.

Тадбир сўнггида «Адолат» СДП аъзолигига қабул қилинган талабаларга партия гувоҳномалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

*Тошкентда "BEST SOFT – UZBEKISTAN-2007" дастурий маҳсулотлар биринчи миллий кўргазмаси очилди.*

Экспозиция ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва кенг оммани мамлакатимизда дастурий таъминот борасида лойиҳаларни яратиш ҳамда имплементация қилиш амалиёти билан таништиради. У Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси (IT-ассоциация) томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада бизнес-ҳамжамият вакиллари, ҳокимият органлари ва аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган республика софтвер саноатининг мавжуд ҳамда истиқболли ютуқлари намойиш этилмоқда. Унинг 17 май куни ўтказилиши бежиз эмас. Негаки, 2005 йилда Халқаро электр алоқа иттифоқи томонидан 17 май Халқаро ахборот ҳамжамияти куни деб эълон қилинган. Шу сабабли ҳам бу галги кўргазма Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусга қўшган ўзига хос ҳиссаси ҳисобланади.

Тадбирда ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган 55 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий компания иштирок этмоқда. Уларнинг ихтисослашув кўлами анча кенг. Булар тизимли интегратор - компаниялар, дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар ва ишлаб чиқарувчилар, контент-провайдерлар, ахборот технологияларидан фойдаланадиган креатив ечимлар генераторлари, илмий ва таълим институтларидир.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маҳаллий дастурий маҳсулот бозорини ривожлантиришга доир амалий чора-тадбирлар белгилангани таъкидланди.

IT-ассоциацияси ижрочи директори Илҳом Абдуллаевнинг сўзларига қараганда, намойиш этилаётган экспозиция республикамизда маҳаллий дастурий таъминот бозорини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилганидан далолат беради. Ўзбекистон компаниялари кўплаб ўз ишланмаларига эга, дунёда дастурий маҳсулотлар яратиш ва тарқатиш соҳасида етакчилик қилаётган корхоналар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган, республикамиз олий ўқув юртларида ёш дастурчилар тайёрланмоқда. Бунинг учун эса ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди.

Кўргазма қатнашчилари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда, хизматлар ва товарлар истеъмолчилари эса ушбу маҳсулотлар билан яқиндан танишмоқда. Бунинг натижасида буюртмачиларнинг хабардорлигини ошириш ҳисобидан бизнесни кенгайтириш ва янги, тўғридан-тўғри амалий алоқалар ўрнатиш учун имкониятлар очилди.

Кўргазма дастурида семинар ва анжуманлар ўтказиш, тақдимот дастурларини намойиш қилиш, соҳадаги сўнгги ютуқларни жорий этиш бўйича тажриба алмашиш кўзда тутилган.

Шунингдек, кўргазма доирасида "Энг яхши дастурий маҳсулот – йил маркаси", "2006 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа", "IT-таълим соҳасидаги энг яхши компания" номинациялари бўйича республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтади. Бундан ташқари, қатор маърифий, маданий-кўнгилочар тадбирлар ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда. Компаниялар вакиллари учун ўз маҳсулот ва хизматларини таклиф этиш бўйича буюртмачилар билан бевосита танишиш машғулотларини ўтказиш имконини берадиган, доимий фаолият кўрсатадиган "семинар хоналари" ташкил этилган.

Яна бир янгилик. Форум доирасида "IT-мутахассиси муваффақияти куни" тадбири ҳам ўтказилади. Тадбир мутахассислар учун бўш ўринлар ярмаркаси шаклида ташкил этилади. Бу борадаги дастлабки ишлар www.rezume.uz, www.jod.doda.uz Интернет-сайтлари орқали амалга оширилади. Ушбу сайтларда ярмаркада қатнашишни истайдиган ҳар бир киши ахборот технологиялари соҳасида иштирокчи компаниялар буюртмасига мувофиқ ҳар куни янгилаб бориладиган бўш ўринлар рўйхати билан танишиши мумкин. Ҳар бир даъвогар ўзини қизиқтирган компания стендлари билан танишиб, кадрлар хизмати раҳбарлари билан суҳбатлашиш имконига эга.

Кўргазманинг "Сизнинг муваффақиятингизни дастурлаймиз" деб номланган шиори ташкилотчиларнинг стратегик мақсадини аниқ акс эттиради. Бу эса компьютерда дастурлаш Ўзбекистоннинг глобал ахборот иқтисодиётига қўшилишининг технологик асосини ташкил этишини англатади.

**В.Николаев, ЎзА мухбири**

Тадбиркор нима дейди?

# Ер ва яйлов ташвишида

*Истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, биз, Умаровлар оиласи 2005 йилда Оҳангарон туманида чорвадор фермер хўжалигини ташкил этган эдик. Чунки чўпонлик биз учун бобомерос касб, яъни ор-номус демакдир.*

Ўз кучимиз билан ўша йилнинг ўзида йирик шохли қорамоллар сонини 30 бошга, қўй-эчкиларни эса 350 тага, отлар сонини 20 бошга етказдик. Ҳозирги пайтга келиб барча турдаги чорва моллари сони салкам икки баробарга кўпайди. Туманимизнинг собиқ ҳокими Маҳмуд Мирзабоев ушбу лавозимга тайинланганидан то вазифасидан бўшатилгунга қадар, негадир, хўжалигимизнинг ривож топишига мойиллик билдирмади. Бундай дейишимга сабаб, тобора кўпайиб бораётган чорва молларимиз учун ер, яйлов сўраб берган аризаларимизга ойлаб, ҳатто йиллаб жавоб ололмадик. Ниҳоят, ғоят тушунарсиз ҳолда бир жавоб йўллашдики, ўқиб ҳайрон қолдик. Яъни, «Увак», «Дўстлик», «Қорахитой» қишлоқ фуқаролар йиғинларида, яъни турли овуллар ва қишлоқларда яшовчи ўн бир нафар фермерга туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиги Ш.Матибрагимов имзоси билан (12.03.2006 й. №67) умумий тартибда битта матнда жавоб хати юборилган. Улар вақтиваҳти билан фуқароларнинг мурожаатларига мукаммал ва аниқ жавоб юбориш эмас, балки уларнинг талабларидан вақтинча бўлса ҳам қутулиш учун ана шундай бюрократик усул қўллашибди.

Бундан уч ой муқаддам собиқ ҳоким аризамизга биноан пойтахтдан келган текширувчилар ҳузурида ўз айбини тан олган ҳолда: «Янгидан ариза ёзиб, девонхона мудирига топшир, узоғи билан бир ой муддатда яйлов ва ер масаласини ҳал қилиб бераман", деди. Текширувчилар кетгач, ариза ёзиб девонхона мудирининг ҳузурига борсам: «Саводсиз, хуснихатинг хунук экан» дея аризамни юзимга отиб юборди.

Туманга Оловуддин Ибрагимов ҳоким этиб тайинланганча, фаолиятининг илк кунлариданоқ йиллар оша ҳал бўлмай келаётган мазкур муаммонинг ечимига киришди.

«Туманда ёзги яйлов мавсумининг бошланиши муносабати билан мавжуд чорва молларини яйловларга жойлаштириш ва чорвачилик фермалари фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (17.04.2007 й. №-147) қарор чиқарди. Унга кўра, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиги И.Файзиев раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳи ўн кун муддат ичида туман ҳудудидаги барча чорвадорларнинг қарамоғидаги молларни саноқдан, улардаги шарт-шароитларни хатловдан ўтказиб, ҳокимликка таклифлар киритиши ҳамда ана шу асосда ер ва яйлов ажратилиши лозим эди. Бироқ, афсуски, вақт ўтгани сайин ташаббусу таклифлар қумга тўкилган сувдек зим ғойиб бўлаётганга ўхшайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига кўра, биздаги чорва бош сонлари учун камида 600 гектар яйлов ва 150 гектардан зиёд суғориладиган ер керак бўлади. Арзу дод қилиб эришган натижамиз айрим бюрократ раҳбарлар наздида «шикоятбоз ёзувчи» бўлиб қолдик. Ҳолбуки, ер, яйлов, озуқа етишмаслигидан янги туғилган қўзи-улоқларимиз, бузоқлару тойлар бирин-кетин нобуд бўлмоқда. Ахир, биз чорва сони ва маҳсулоти бойийди, фаровонлик таъминланадику?.

**Абдурасул УМАРОВ, Оҳангарон туманидаги "Умар қора" чорвадор фермер хўжалиги раҳбари**

ТАҲРИРИЯТДАН: оҳангаронлик фермер шикоятидан нега шу вақтгача бирор амалий ёрдам кўрсатилмаганига ҳайрон бўлдик. Давлатимизнинг қонун ва қарорларида ҳуқуқий асос яратилган бўлса-ю бу жойлардаги мутасадди раҳбарлар парвосига келмаса. Мамлакатимизда фермерлик ва тадбиркорликка кенг имкониятлар берилаётган бир пайтда чорвадор идорама-идора иложсиз югуриб юрса. Фермер Абдурасул Умаровнинг ушбу муаммосига мутасадди ташкилотлар, албатта ўз муносабатини билдиради, деган умиддамиз.

Қилмиш-қидирмиш

# Иродасизлик оқибати

*Ҳаётда ҳар нарса бўлиши, инсон зоти йўлдан чалғиши, адашиши мумкин. Кўпчилик йўл қўйган хато-камчиликларини ўз вақтида англаб етиб, келгусида бундай номаъқулчиликларни қилмасликка ҳаракат қилади. Афсуски, фуқаро Нурбек Тоқбердиев бундай йўл тутмади, қилмишларидан тўғри хулоса чиқармади. Аксинча, оғир жиноятга қўл уриб, ўз қайнонасининг жонига қасд қилди...*

Нурбек ҳаракатчанлиги, жонкуярлиги боис, ёш бўлишига қарамасдан, ўзи орзу қилган ниятига эришди: нуфузли ишга жойлашиб, астойдил меҳнат қила бошлади. Лекин бу кўпга бормади. Нима бўлди-ю, унинг феъл-атвори ёмон томонга ўзгариб, ҳар хил ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир эта бошлади. Бундан хабар топган мутасаддилар уни аввалига бир неча бор огоҳлантиришди, сўнг ҳеч бир натижа чиқмагач, вазифасидан четлатишди.

Бекорчидан худо безор, дейди халқимиз. Нурбек ҳеч бир тайинли ишнинг бошини тутмади, бирон-бир фойдали иш билан шуғулланмади. Оқибатда тез-тез спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган, ширакайф ҳолда кўча-кўйда дайдиб юрадиган бўлди. Бора-бора уйида жанжал чиқаришни ўзига "касб" қилиб олди. Уни бу йўлдан қайтаришни, фойдали меҳнат қилишини кўзлаган хотини Алия Мирзахонова қўшни Қозогистоннинг Олма-ата шаҳрида яшайдиган яқин қариндошларининкига олиб борди. Аммо доим саёқ юришга одатланган Нурбекка бу ҳам ёқмади, қилдан қийиқ ахтариб ёлғиз ўзи Тошкентга қайтди ва яна ароққа ружу қўйди. Иродасизлик қилди.

Кунлардан бир куни Чилонзор 23-мавзесида жойлашган 42-уйнинг 56-хонадонида яшовчи қайнонаси К.Мирзахонованинг уйига борди. Ароқхўр куёвнинг "ташрифи" қайнонага ёқмади, шекилли, иккаласининг ўртасида гап қочиб, жанжал келиб чиқди. Қайнона эмасми, унинг қўлидан ичишдан бошқа нарса келмаслигини, бир оилани ҳам эплаб тебрата олмаётганини очиқ-ойдин юзига солганини "кўтара олмаган" куёв газабланиб, қўлига ошхона пичоғини олди. Кўзи қонга тўлиб, қайнонасининг кўкрагига пичоқ санчди. Сўнг гўё ҳеч нарса бўлмагандек, бамайлихотир ваннага кириб қонга ботган пичоқни ювди...

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув ҳаракатлари натижасида Н.Тоқбердиевнинг мудҳиш жиноятн фош этилди. Хусусан, милиция ходимларининг билдиргилари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, суд-тиббиёт экспертизасининг текширув хулосаси ва бошқа далиллар билан ўз тасдигини топди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Нурбек Тоқбердиев Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Тоҳир АЗАМАТОВ, Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори**

# «Уддабуронлик» панд берди

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан ходимларимиз томонидан олиб борилган текширув ва рейдларда айрим уддабурон тадбиркорлар қилмишлари фош этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра ўтказилган текширувларда 25 та ҳолатда ҳеч қандай ҳужжатсиз, чет элда ишлаб чиқарилган 2 миллион 855 минг сўмлик маҳсулотлар сотувга чиқарилгани аниқланиб, тегишли тартибда чора кўрилди.

Тумандаги Матқобилов номли қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Зулхумор Жўрақулова қонунга зид равишда фаолият юритишни мақбул деб топди, шекилли, ҳеч қандай ҳужжатларсиз печенье ишлаб чиқишни йўлга қўйди. Ана шу маҳсулотларини сотаётганида солиқчилар томонидан қўлга тушди, маҳсулотлари далилий ашё сифатида қўйилди. З.Жўрақулова амалдаги қонун-қоидалар аосида фаолият юритганида бундай воқеа содир бўлмасди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлар солиқ қонунчилигига оид ҳужжатлар билан яқиндан таништирилмоқда, уларга қонунлар асосида йўл-йўриқлар кўрсатиляпти.

**Аббос РАҲИМОВ, Қибрай туман ДСИ бўлим бошлиги**

# ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИ

## унинг фаолиятига ноқонуний аралашиш, сабабсиз текширишлар ўтказиш самара бермайди

*Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга кенг кўламли имтиёз ва қулай шарт-шароит яратиб берилмоқдаки, бу мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминланишига, аҳоли ўртасида ишсизликни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани боис кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланишга ва шу орқали ҳам ўзига, ҳам давлатга бирдек манфаат келтиришга ҳаракат қилмоқда.*

Бугунги тадбиркор ўзининг ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Бир пайтлардагидек, фалон ташкилотдан текширувчи келибди, деб ҳечам ваҳимага тушмайди. Текширувчи қайси бир ташкилотдан бўлмасин унга биринчи навбатда текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли тартибда ёзув киритиб, имзо чекишни талаб қилади. Бу, албатта, ижобий ҳол.

Бироқ, шунга қарамай айрим назорат органлари ходимлари томонидан ҳали-ҳануз тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувлар кузатилмоқда. Бундай қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш, тадбиркорларга кенг кўламли ёрдам кўрсатиш борасида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси юзасидан ўтказилган текширув ва мониторингларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳокимлик ва бошқа назорат органларига киритилаётган огоҳнома, тақдимнома ва талабномалар тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ортиқча аралашишларнинг кескин камайишига олиб келаётир. Бу эса тадбикорларнинг қонунларга бўлган ишончини янада юксалишига хизмат қилмоқда.

— Ўтган йил давомида вилоятимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан 84 та шикоят ва аризалар келиб тушган бўлиб, уларнинг 71 таси қаноатлантирилди, — дейди Жиззах вилоят Адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Шуҳрат Тожибоев, биз билан суҳбатда. — Ўтказилган ўрганишлар жараёнида ҳокимликлар ва назорат органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятига оид 3994 та қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан 194 та тақдимнома, 20 та огоҳнома ва 1 та талабнома киритилди. Тақдимномаларга кўра, 310 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 4 нафар шахс вазифасидан озод этилди. Тадбиркорлардан ноқонуний ундирилган 4 миллион 474 минг 563 сўм маблағлари ўз эгаларига қайтарилди, назорат органларининг 37 та қонунга хилоф қарорлари бекор қилинди. Суд-ларга тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб 1 миллиард 946 миллион 124,5 минг сўмлик 145 та даъво аризалари киритилди.

Жорий йилнинг 1-чорагида эса 29 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 23 таси қаноатлантирилди. Таъкидлаш керакки, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари суд орқали тикланиб, етказилган зарарни бевосита айбдор шахслардан ундириш чораларини кўрилмоқда. Мисол учун, Жиззах шаҳридаги "Риммехгидротех" кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Ф.Узоқов ариза билан мурожаат қилиб, Жиззах туман йўл хўжалигини таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат корхонасидан 3 миллион 313 минг 494 сўм кўрсатилган хизмат ҳақи учун қарз суммасини 1,5 йилдан бери ололмаётганини билдирган. Тўланмаган 3 миллион 313 минг 494 сўм учун давлат солиқ инспекцияси томонидан 430 минг даромад солиғи ва 70 минг пеня ундирилиши оқибатида хусусий фирма 500 минг сўм зарар кўрган. Бу ҳам етмагандек, қарз ўз вақтида тўланмаганлиги оқибатида хусусий фирма 2007 йил 27 декабрда шаҳардаги "Ротор старт" КТХФ билан таъмирлаш цехини қуриб бериш ҳақидаги 10-сонли шартнома бўйича буюртмани бажара олмаган. Натижада ана шу буюртмани бажарилишида олиниши лозим бўлган 5 миллион 600 минг сўм фойда бой берилган. Шу боис Жиззах туман йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат корхонасидан кўп тармоқли хусусий фирма фойдасига 3 миллион 313 минг 494 сўм асосий қарз, 1 миллион сўм моддий ва 500 минг сўм маънавий зарар ҳамда 5 миллион 600 минг сўм бой берилган фойда, жами 10 миллион 413 минг 494 сўм ундириб бериш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво ариза киритилди.

Дарвоқе, тадбиркорлик субъектлари равнақи бевосита банк муассасаларининг фаолияти билан боғлиқ. Бошқарма томонидан жорий йилнинг дастлабки 3 ойи давомида банк муассасаларининг тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизмати аҳволи ўрганилганда тижорат банкларида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Хусусан, вилоятдаги банклар томонидан кредит ажратишда 73 та, банк сирига оид 11 та, тўлов топшириқномаларни ижро этишда 91 та, шартномавий муносабатларга оид 19 та, жами 263 та қонунбузилишларга йўл қўйилган. Бу қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 10 та тақдимнома киритилиб, унга кўра 27 нафар банк ходимига нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилган ва 4 нафар банк ходими маъмурий жавобгарликка тортилган.

Акциядорлик тижорат "Пахтабанк"нинг Пахтакор филиали бошқарувчиси томонидан 13-сон билан чиқим қилинган маълумотномада Наргиза Раҳматованинг 2007 йил 6 февраль куни 10 миллион 449 минг 240 сўм нақд пул маблағини филиал хазинасига топширганлиги кўрсатилган. Маълумотнома қайси ваколатли органнинг қарори асосида ёки мижознинг талаби асосида берилганлиги қайд қилинмаган. Ваҳоланки, "Банк сири тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасида банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига(вакилига) нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчининг ёки суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, филиал томонидан нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалга оширишда ҳам бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилган. Мисол учун "Катта қир" фермер хўжалигидан "Жиззах ёғ Экстракт" ХШКга 382 минг 400 сўм пул маблағини ўтказиш тўғрисидаги 2007 йил 5 январда тўлов топшириқномаси топширилган. Лекин банк масъуллари орадан 4 банк иш куни ўтгандан кейин тўловни амалга оширган. Бу каби қонунбузарлик ҳолатлари 7 маротаба такрорланган.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан солиқ идоралари ходимларининг текширишларни белгиланган тартибини бузиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Мирзачўл туманида хусусий тадбиркор Алия Ермекова давлат солиқ бошқармаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказилган қисқа муддатли текширишдан норози бўлиб, ариза билан мурожаат қилган. Аниқланишича, давлат солиқ бошқармасининг инспектори Э.Қаҳҳоров хусусий фирмада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда қисқа муддатли текширув ўтказган. Аммо бу "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"га тегишли тартибда қайд этилмаган. Шундай бўлса-да "текширувчи"лар унинг камчиликларини аниқлаб, Мирзачўл туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг "Алия Ермекова" хусусий фирмасига 36 минг 500 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисида ва МЖтКнинг 164-моддаси 1-қисми ва 174-моддаси 1-қисмидаги ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топиб 54 минг миқдорида маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқарилган. Бундан ташқари, қонунга зид равишда қарор нусхаси А.Ермековага берилмаган. Шу сабабли Мирзачўл туман ДСИ бошлиғининг қарорларини бекор қилиш ва аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликларини зудлик билан бартараф этиш тўғрисида вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Шундан сўнг туман ДСИ бошлиғининг қарорлари бекор қилиниб, 36 минг 500 сўм молиявий ва 54 минг сўм маъмурий жарималар А.Ермековага қайтарилган. Қонунбузарликка йўл қўйган солиқчи Э.Қаҳҳоровга нисбатан эса вилоят солиқ бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосида "ҳайфсан" берилди.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**"Адолат" мухбири**

Бугуннинг гапи

# ХОРИЖ АБАРЛАРИ

## Ҳукумат таркиби тасдиқланди

*Сербия парламенти мамлакатнинг янги ҳукумат таркибини тасдиқлади.*

Ҳисоб-китобларга кўра, депутатларнинг 133 нафари амалдаги ҳукумат аъзолари номзодини қўллаб-қувватлаган бўлса, 106 нафари қарши овоз берган. Шундай қилиб, мамлакатнинг Вазирлар Маҳкамаси раҳбари Воислав Коштуница ўз лавозимида қолди.

Эслатиб ўтамиз, у ҳукуматни 2004 йилдан буён бошқариб келмоқда.

## Польша битимга қарши

*Европа Иттифоқи ва Россия Федерацияси ўртасидаги битимнинг имзоланишига Польша қаршилик кўрсатишида давом этмоқда.*

Мазкур ҳужжат шу йил Самара шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган саммит чоғида имзоланиши лозим. Аммо Польша ЕИдан энергетика хавфсизлиги масаласи бўйича ягона позицияни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Польшанинг бу каби хатти-ҳаракати биринчи марта кузатилаётгани йўқ. 2006 йил кузида расмий Варшава шунга ўхшаш даъволарни рўкач қилганди.

Бу сафар Польша Болтиқбўйидан ўтувчи газ қувури унинг иштирокисиз амалга оширилганидан аччиқланган кўринади.

## Раҳбардан умид катта

*Тайвань президенти Чэнь Шуйбянь мамлакат ҳукумати раҳбарлигига Чан Чун Сюнни тайинлади.*



Янги бош вазир, шунингдек, Хитой билан иқтисодий алоқалар олиб боришга масъул бўлган жамғармага ҳам бошчилик қилади. Шунинг учун Тайвань президенти янги бош вазир Хитой билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшишига умид боғлаган. Бу ўринда гап Хитой сайёҳларини Тайванга кўпроқ жалб этиш ҳамда ҳаво транспорти орқали юк ташиш ҳажмини ошириш хусусида бормоқда.

Эслатиш жоиз, Тайвань расман Хитой таркибидаги республика, аммо амалда мустақил субъект саналади. Бу икки давлат ўртасидаги муносабатлар асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларга тўғри келади. 1949 йили Тайвань алоҳида маъмурий ҳудуд сифатида ажралиб чиққан.

## «Сотка» бошқаради

*Эндиликда японлар уяли алоқа ёрдамида чироқни ўчириш имкониятига эга бўлишди.*

Фаромушхотир японлар шу йилдан бошлаб уйда ёниқ қолган чироқларни "сотка" ёрдамида ўчира олишади. Бу ҳақда мамлакат миллий энергетика компанияси маълум қилган.

Бу хизмат уй эгасига, қаерда бўлишидан қатъи назар, уйидаги электр сарф-харажатларини кузатиб бориш ва зарур вақтда ўчириш, ишлаётган электр аппаратлари ҳақида зарур ахборотларни етказиб туради. Мутахассисларнинг айтишича, бу электр энергияни янада камроқ сарфлашга имконият яратади.

Аммо янги хизмат тури қўлида телефони бўлган барча одамларга ёрдам беролмайди. Гап шундаки, у билан фақатгина уйи махсус электр бошқариш марказига уланганларгина фойдалана олади.

**Абдурахмон АРЗИҚУЛОВ,**
**Дилшод НАЗАРОВ**

Тиббиёт

# ИШОНЧ ЮКСАКЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

*Қува — Фарғона вилоятининг аҳоли зич жойлашган туманларидан бири. Ҳудудда истиқомат қилаётган қарийб икки юз минг нафар аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш 680 ўринли 4 та шифохона, бир кунда икки минг нафардан ортиқ беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлган 23 та амблуатория-поликлиника муассасаси, тез тиббий ёрдам бўлими ва саломатлик маркази ходимлари зиммасида.*

Қувалик тиббиёт ходимлари "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастури" тамойиллари асосида бир қатор ютуқларни, ижобий натижаларни қўлга киритишмоқда. Бунда уларнинг профилактик фаолиятни тиббий хизматнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб олишгани қўл келаётир. Масалан, жорий йилнинг биргина ўтган чораги давомида тугиш ёшидаги 51553 нафар аёлнинг 54 фоиздан ортиги тиббий кўрикдан ўтказилди, улар орасида касаллиги аниқланган 13113 нафар бемор ҳисобга олиниб, қарийб ўн минг нафари соғломлаштирилди, қолганлари даволанишни давом эттиришмоқда.

— Ҳисобга олинган беморлар орасида ҳомиладорликка моneликлар аниқланиб, 1823 нафар аёлга БИБ воситалари қўйилди, 500 нафардан ортиқ аёллар огиз орқали, 300 нафарга яқини инекцион сақланиш воситалари орқали қамровга олинди, — дейди туман бирлашган марказий шифохонаси бош врачи Неъмат Маҳмудов. — Шунингдек, қарийб 16 минг нафар ўсмирнинг ярми тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 2861 нафарида турли касалликлар аниқланиб, ҳозирда соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш тиббиёт ходимларининг бош мақсади бўлиб, бугунги тезкор шароит талабларидан келиб чиққан ҳолда, бу борада бир қанча янгиликлар, изланишлар амалиётга тадбиқ этилмоқда. Тумандаги бирламчи тиббиёт муассасаларда "Сифатни яхшилаш" дастури ишлаб чиқилган. Тугиш ёшидаги аёллар орасида гипертония хасталигини аниқлаш ва ташхислашда, 5 ёшгача бўлган болаларда касалликларни интеграллашган усулда даволашда бу дастур яхши самара бераётир. Шунингдек, "Хавфсиз оналик", "Чақалоқларни парваришлаш ва чақалоқлар реанимацияси", "Иммунопрофилактика", "Кўкрак сути билан озиқлантириш", "5 ёшгача бўлган болаларни ўстириш ва ривожлантириш", "Ўсмирларга дўстона муносабатда бўлиш" сингари дастурлар доирасида олиб борилаётган ишлар ҳам бесамар кетмаяпти.

— Ўтказилган тадбирлар самарадорлиги натижасида туман туғруқ комплекси "Болага дўстона муносабатдаги муассаса" сертификатига эга бўлди, — дейди даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари Ҳалимжон Абдураззоқов. — Ҳомиладорлар орасида асоратли тугишлар, гўдаклар ўлими кескин камайди, оналар ўлими қайд этилмади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда қишлоқ врачлик пунктлари, уларда фаолият кўрсатаётган участка врачлари ва ҳамшираларининг ҳам ҳиссаси беқиёс. Болалар ва ўсмирларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш, маҳалла ва қишлоқларда истиқомат қилаётган якка-ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ҳолидан доимий хабардор бўлиш ҚВП оқ халат соҳибларининг кундалик юмушига айланган. Кишини қувонтирадиган яна битта жиҳат шундаки, тумандаги мавжуд барча қишлоқ врачлик пунктлари 70 фоиз атрофида дори-дармонлар, тўлигича қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланган. Сифатли таъмирланган бундай масканлар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ҳам қишлоқ одамларининг дарддан фориғ бўлишида анча енгилликлар тугдиримоқда.

— Иш жойингда барча шароитлар бўлса, биздан фақат бир нарса талаб этилади — вазифангга масъулият ва профессионал тарзда ёндашиш, — дейди "Бегат" ҚВП мудири А.Мадраҳимов. — Аҳоли соғлом бўлса, бизнинг қўлга киритган энг катта ютугимиз шу. Буни тўғри тушунган ходимларимиз махсус жадвал-режа асосида ҳовлима-ҳовли юриб, даволаш-профилактика ишларини олиб боришяпти.

Дарҳақиқат, туман марказий шифохонаси ва унга қарашли бўлган барча шифо масканларида беморлар учун худди шаҳар касалхоналаридек шароитлар яратилган, десак муболаға бўлмайди. Ҳар ҳолда бу борадаги интилишлар кўзга яққол ташланади. Палаталар, коридорлар, файелар, қолаверса, ҳовли атрофидаги тозалик-озодалик киши кайфиятини кўтаради. Экилган анвойи гуллар, манзарали дарахт ниҳоллари ташқи кўринишга ажойиб манзара, файз бағишлаб турибди.

— Ишдаги ютуқлар, аввало, кадрлар танлови ва малакасига боғлиқ, — дейди бош врач Н.Маҳмудов. — Айни пайтда барча шифохона, поликлиника ва бўлимларимизда Гиппократ қасамига содиқ, ўз ташвишидан кўра эл юкини ортиқ билган мутахассисларимиз фидокорона меҳнат қилишяпти. Нимага эришаётган бўлсак, барчаси бирдамлик, ҳамжиҳатлилик ва фикрларнинг ҳамоҳанглиги ортидан. Шу азиз Ватанимизда истиқомат қилаётган кишиларнинг биздан, хизматимиздан мамнунлиги эса барчамизга кучгайрат бағишлайди.

Айтганча, туман бирлашган марказий шифохонаси жамоаси ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида қўл қовуштириб ўтирмади. Нафақат соғломлаштириш билан боғлиқ, балки бир талай бошқа хайрли тадбирлар ҳам амалга оширилди.

— Айтсам мақтанчоқликка йўйишингиз мумкин, аммо эл-дан ортда қолганимиз йўқ, — дейди марказий шифохона касаба уюшма қўмитаси раисаси М.Тешабоева. — Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам махсус режа тузиб, арзигулик ишларни уддалаб қўйдик. Масалан, Наврўз байрами арафасида марказий шифохона ҳовлисида тантана уюштириб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ходимларимиздан 14 нафарининг фарзандларига хатна тўйи ўтказдик. Бу бизнинг кам таъминланган оилаларга, ногиронлар ва пенсионерларга, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш, Наврўз, Мустақиллик, Қурбон ҳайити байрамлари кунларида уларни эслаб туриш борасидаги мақсадларимизнинг бир кўринишидир. Бинобарин, миллатимизга хос қадриятлар, урф-одатлар тирик экан, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бунга шу тупроқда яшаётган, миллатидан қатъи назар, ҳамма ишонади. Ишонч бор экан, демак, келажагимиз буюк...

Бу ҳикоямиз Қува туман бирлашган марказий шифохонаси жамоаси ҳаётидан бир шингил лавҳа, холос. Аслида қувалик шифокорлар фаолияти, эл соғлигини сақлаш йўлидаги фидокорона меҳнати тўғрисида кўп ва хўп сўзлаш мумкин. Зотан, уларнинг бой тажрибаси кўпчиликка ўрнак бўлгулик.

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**"Адолат" мухбири**

Коммунал соҳа

# ХИЗМАТДА АЪЛО СИФАТ

*Навоий шаҳрининг қайси бир жойида бўлманг, гўзал манзарага дуч келасиз. Айниқса, аҳоли яшайдиган кўп қаватли бинолар атрофидаги турли хил дарахтлар, ранг-баранг гуллар киши баҳри дилини очади. Хонадон эгалари ишдан бўш пайтларида дарахтлар остидаги ўриндиқларда ҳордиқ ёзиб, ором олишади.*

Турар жой бинолари атрофларининг ана шундай обод ва кўркам бўлишида уй-жой мулкдорлар ширкатлари жамоаларининг хизмати беқиёс. Буни шаҳар марказида жойлашган "Сифат" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Ширкатимизда 10 та уй, 710 та хонадон бўлиб, уларда 1050 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди ширкатнинг ижрочи директори Келдиёр Норқулов. — Аҳолининг яхши яшаши учун барча шароитларни яратиб бераяпмиз. Ишчи-хизматчиларимиз тез-тез хонадонларда бўлиб, уларнинг талаб-эҳтиёжларини ўрганишади.

Дарвоқе, ҳар қандай хонадонда электр, сув ва газ доимо бўлиб турса, ўша хонадон эгаси сира ташвиш чекмайди. Ширкат ишчи-ходимлари буни яхши билишади. Ҳозир тўрт нафар сантехник, икки нафар пайвандчи ва электриклар хонадонларда электр чироқларининг ўчмаслиги, газ ва сувнинг доимо бўлиши учун кечаю кундуз меҳнат қилишмоқда. Ширкат қошида электр мутахассиси навбатчилик қилиб туради.

Ширкатчилар хонадон эгаларига турар жойларини ўз вақтида таъмирдан чиқариш билан бирга коммунал тўловларни кечиктирмай тўлаб борилишига ҳам алоҳида эътибор беришяпти. Улар томонидан ҳар ой 3 миллион 500 минг сўмлик коммунал тўловлар йиғилиб, банк муассасасига топширилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатишдан эса ойига 1,5-2 миллион сўмдан даромад қилинмоқда.

Уй-жой мулкдорлар ширкатида ҳозирги пайтда 32 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. Улар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш билан бирга ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Ширкат маъмурияти томонидан ҳафтанинг ҳар шанбасида ободонлаштириш куни ўтказилади. Ўша куни шарктчилар уй атрофларини тозалаш, гул ва дарахтлар остини юмшатиш ишларига астойдил киришади. Бунда, айниқса, Рисолат Азимова, Фотима Очилова, Ҳамротош Халилова сингари фаррошлар кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ширкат жамоаси ҳудудда жойлашган "Ишонч" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, Наврўз байрами арафасида ширкат маъмурияти маҳаллада яшаётган 300 га яқин аҳолига дастурхон ёзиб кўпчиликнинг дуосини олди. Шу куни ширкат кам таъминланган оила фарзандининг суннат тўйини ўтказишга ҳам ҳомийлик қилди.

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**"Адолат" мухбири**

# МЎЪЖИЗАЛАР САРАСИ

## Хитой ўз тарихий обидалари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинишини истамоқда

### Ер остидаги аскарлар

1974 йилда археологлар Син императорининг қабрини қидириш чоғида кутилмаганда ҳайкалларнинг улкан мозорига дуч келишди. Бу ерда лойдан ясалган 8 мингдан ортиқ ҳарбий аскарлар ва отларнинг ҳайкаллари саф тортиб турганди. Тадқиқотлар натижасида ер ости лашкарлари бундан 23 аср олдин бунёд этилгани аниқланди ва ҳозирга қадар аждодлар қолдирган ушбу мерос илму урфон томонидан ҳайрат билан ўрганиб келинмоқда.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, орадан неча замон ўтса ҳамки, ёдгорликлар асл ҳолича сақланиб қолган. Қолаверса, ҳайкаллар шунчалик моҳирона ясалганки, уларнинг юз тузилишлари худди тирик инсонларникига ўхшаб кетади. Ҳар бир ҳайкалнинг ташқи қиёфаси бир-бирини асло такрорламайди. Турли имо-ишоралар билан тасвирланган отлиқ ва пиёда аскарлар қурол-яроқ билан жангга шай туришибди.

Тахминларга қараганда, император Син Шихуан 40 ёшларга етганида руҳий хасталикка дучор бўлган. Тўшакка михланган подшога худди ёвуз руҳ ва арвоҳлар таъқиб қилаётгандай туюлаверган. Шу сабабдан олампаноҳ нариги дунёда ҳам уни ҳимоялаб турувчи ҳарбий қўмондонлар бўлишини истаган. Шунинг учун император ушбу ҳайкалларни ясаттириб, ўлимидан сўнг уларни қўшиб кўмишларни буюрган. Меъморий ёдгорлик император номи билан аталишининг боиси ҳам ана шунда. Аммо қарийб 33 йилдирки, археологлар императорнинг қабрини топа олганлари йўқ. Олимлар уни ҳайкаллар топилган жой яқинидаги мақбараларнинг бирига қўйилган, деган тахминни илгари суришмоқда.

### Ким ғолиб?

2004 йил ЮНЕСКО томонидан дунёнинг янги етти мўъжизасини аниқлаш бўйича интернет-сўров бошланган бўлиб, у олимлар, тарихчилар, кенг соҳа мутахассислари иштирокида овоз бериш йўли билан аниқланади. Жаҳон миқёсидаги тадбир ташкилотчиларининг фикрича, мазкур танлов дунёнинг янги етти мўъжизасини энг замонавий технологиялар ёрдамида ва тўла демократик шароитда аниқлаш имконини беради. Улар орасида ер остида бунёд этилган Син Шихуан мажмуи ҳам бор.

Сўровнинг якуний натижалари 2007 йил 7 июлда эълон қилинади. Лекин айрим манбаларда бу сана 2008 йил 1 январь деб кўрсатилган. Эслатиб ўтамиз, танловнинг аввалги босқичида дунёнинг энг сара 21 ёдгорлиги аниқланган эди. Умуман олганда, асосий ғолиблик учун даъвогарлар қуйидагилар: Тож Маҳал, Нью-Йорктаги Озодлик ҳайкали, Париждаги Эйфель минораси, Буюк Хитой девори, Рим Колизейи. Айни пайтгача ҳар бир номзод иншоотнинг ҳисобида 19 миллиондан ортиқ овоз бор.

Дунё аҳолисининг бешдан бир қисми истиқомат қиладиган, территорияси жиҳатдан улкан ҳудудни қамраб олган Хитойда тарихий ёдгорликлар кўп учрайди. Чин олимлари ўз ватанларида ҳам жаҳон ҳамжамияти тан олган мўъжизалар бўлишини исташади. Умуман, мазкур давлатда олимлар қайд этган иккита улкан обида бор — Буюк Хитой девори ва Син Шихуан мажмуаси. Аммо Син Шихуаннинг янги рўйхатга кириш эҳтимоли кам. Сабаби, бундан 2 минг йил муқаддам византиялик Филон танлаб тузган дунёнинг еттита мўъжиза иншоотларнинг барчаси Ўрта Ер денгизи ҳудудида эди. Қария рўйхатига билдириладиган айни шу эътироз хитойликларнинг орзуларини рўёбга чиқаришга таъсир этмаса бўлгани.

### Дунёнинг етти мўъжизаси

1. Миср эҳромлари
2. Бобил осма боғлари
3. Артемида ибодатхонаси
4. Галикарнас даҳмаси
5. Зевс ҳайкали
6. Родосдаги ҳайкал
7. Искандария маёги

### Дунёнинг етти табиий мўъжизаси

1. Эверест чўққиси
2. Катта Барьер рифи
3. Катта Каньон
4. Виктория шаршараси
5. Рио де Женейро бўғози
6. Парикутин вулқони
7. Шимолий қўллар

### Ўрта асрлардаги етти мўъжиза

1. Рим колизейи
2. Искандария ер ости йўллари
3. Буюк Хитой девори
4. Авлиё София ибодатхонаси
5. Стоунхенж
6. Пиза минораси
7. Нанжинг будда ибодатхонаси

### Замонавий дунёнинг етти мўъжизаси

АҚШ фуқаро муҳандислик жамияти 20 асрда инсоният томонидан барпо этилган қуйидаги обидаларни замонавий дунёнинг етти мўъжизаси деб атади. Бу рўйхат таниқли архитекторлар, олиму муҳандислар томонидан ишлаб чиқилган. Унда иншоотларнинг техник хавфсизлиги ва бошқа ижтимоий жиҳатлари инобатга олинган.

1. Channel Tunnel (Англия ва Франция боғловчи ер ости канали)
2. CN Tower (Торонтодаги телеминора)
3. Empire States Building (Нью-Йорк шаҳридаги осмонўпар бино)
4. Golden Gate Bridge (Сан-Франциско даги кўприк)
5. Itaipu Dam (Бразилия ва Парагвайдаги тўғон)
6. Netherlands North Sea Protection Works (Нидерландия Шимолий денгиз муҳофазаси)
7. Панама канали

Сиз суратда кўриб турган ҳайкалчаларни дунёнинг саккизинчи мўъжизаси, деб эътироф этишмоқда. Чин олимлари ушбу бебаҳо санъат намуналари расман тан олиниши борасида саъй-ҳаракатларни олиб боришяпти.

**Беҳбуд БОТИРОВ**

# ЖУРЪАТ ВА ҲАРАКАТ БЎЛСА

## даромадга барака, қалбга саховат киради

*Ҳозирги бозорларимизни бундан ўн беш-йигирма йил олдинги бозорларга қиёслайман. Илгари деҳқон ўз маҳсулотини эмин-эркин сотолмасди. Томорқасида етиштирган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сотмоқчи бўлса, аввало, томорқаси борлиги, маҳсулотни ўзи етиштиргани, санэпидстанциядан текширишдан ўтказгани-ю сотишга рухсатномаси борлиги ҳақида бир даста справка талаб қилинарди. Справкаларни олиш эса, осон эмасди, "чўз-чўз"дан безор бўлган деҳқон: «Бор-э, чириса чириб кетсин, сотмаганим бўлсин», дея қўл силтаб қўя қолар эди.*





Сифатли гўшт ёки тандирда ёпилган иссиқ нон қидириб кўчама-кўча кириб чиқардик. Чунки очиқ сотишга рухсат йўқ эди. Қассоблар қадоқланган гўштларни сумкаларда яширинча кўтариб, қиз-жувонлар саватдаги тандир нонларини муюлишларда қочиб юриб сотишарди. Агар қўлга тушиб қолишса, маҳсулотлари тортиб олинар, ўзлари сарсон-саргардон бўларди. Ўзим ҳуқуқ-тартиботчиларнинг: «Сотма дедим-ку!», дея нон солинган саватни тепиб юборганига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ҳатто тирикчилик учун даладан териб келинган отқулоқ ёки исмалоқни ҳам, уйдан олиб чиқилган қўкат ёки қуртни ҳам сотишга рухсат беришмасди. Шахсий машинангизда фақат ўзингиз эркин юришингиз мумкин эди. Агар ака-укангизни, ота-онангизни ёки бошқа қариндошларингизни миндирсангиз, уларнинг сизга қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишарди. Акс ҳолда, киракаш, деган тамғани босишарди. Бундай ҳолатда ё ҳужжатингиздан, ёки пулингиздан айрилардингиз.

Умуман, собиқ шўро замонида иш ҳақидан ташқари қўшимча даромад олиш имкониятларидан фойдаланишга йўл қўйилмас, шахсий бойлик орттирмоқчи бўлганларга ёмон тамға босилар, белгиланган иш ҳақидан ортиқча даромад манбаи аниқланиб қолса, терговда жавоб беришга тўғри келар эди. Совет тузуми ҳукмрон пайтда иш ҳақини белгилаш ва тақсимлашга доир тартиб-қоида моҳиятан серғайрат, ишбилармон, тадбиркор, ташаббускор одамни бўғишга, ишёқмас, дангаса, ўқувсиз одамни рағбатлантиришга хизмат қиларди.

Мустақилликнинг ҳаётбахш насими эса бошлаган дастлабки кезлардаёқ Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётга муносабат ўзгарди, меҳнатга ҳақ тўлашдаги тенглаштириш қоидаси барҳам топди. Шижоатингни, тадбиркорлигингни кўрсатадиган ва шунга яраша бойлик орттирадиган замон келди. Зеро, халқ бойиса давлат бойийди. Давлат бойиса куч-қудрати ортади.

Назаримда, мустақиллик нафақат биз кўникиб қолган якранг ҳаёт тарзимизни, балки дунёқарашимиз-у онг-тушунчаларимизни, ҳатто одатларимизни ҳам ўзгартириб юборди. Энди қассоблар қадоқланган гўштларни сумкаларга яшириб кўтариб, қиз-жувонлар саватдаги тандир нонлари билан муюлишларда қочиб юрмайди. Энг муҳими, деҳқон ўзининг деҳқонлигини, косиб ўзининг косиблигини, пазанда ўзининг пазандалигини, мисгар ўзининг мисгарлигини эмин-эркин қилади, сотаётган маҳсулоти ўзиники эканлигини тасдиқлайдиган справкалар учун идорама-идора сарсон бўлмайди.

Энди кўча тўла шахсий машина, қайсинисига миниб қаёққа борасиз — ихтиёр ўзингизда. Умуман, барча соҳаларда хусусий тадбиркорлик кенг қулоч ёйди. Тадбиркорларнинг фаолиятлари ва ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан кафолатланди. Энди ташаббускор, ҳаракатчан, қўлида ҳунари бор одам хор бўлмайди. Қўшимча даромад олиш учун эса кенг имкониятлар эшиги очилди. Ҳаракат қилганга баракат ёғилади, ёғиляпти ҳам. Натижада ўз миллионерларимиз, миллиардерларимиз пайдо бўляпти. Улар кўпаяверсин. Ҳалол йўл билан бойлик орттирган одам қандини урсин, бойлигини эзгу ишларга сарфласин. Хайр-эҳсон ана шундай эзгу ишлардан бири. Унинг савоби улуғ.

Албатта, бойларимиз бойликларини ўз билганларича сарфлашга ҳақлидирлар. Назаримда, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз бўлган закот беришдан кейин хайр-эҳсон туриши ҳеч бир изоҳ талаб қилмайдиган ҳақиқат. Хайр-эҳсон яхши инсонларнинг инсоний фазилати. Киши мурувват эшигини очса, Тангри унинг молу дунёсига барака ато этади, дейилади ҳадисда. Биз бойларимизга сахийликни раво кўрамиз. Улар қанчалик кўпайса, хайр-эҳсон ва саховатпешалик учун шунчалик кенг имконият яратилади.

Қариндошларга мурувват кўрсатиш, хушхулқлик ва яхши қўшничилик — юртни обод ва умрни зиёда этади, дейилади яна ҳадисда. Демак, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар, дўстлар, ҳамкасблар ва бошқа мўмин биродарларга мурувватли ва меҳр-оқибатли бўлишимиз керак. Агар хайр-эҳсон етимларга, сағирларга, бева-ларга, қаровчиси йўқ ёлғиз қарияларга, касалманд одамларга, муҳтож оилаларга берилса, унинг савоби янада улуғдир. Ишончимиз комилки, сахийлик қилиб савоб оламан, деган ўзига тўқ юртдошларимиз буни яхши билишади. Зотан, хайр-эҳсон ва меҳр-мурувват сахийлик кўрки.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

# МОЗИЙДАН СЎЗЛОВЧИ ХАЗИНА

## 18 май - Халқаро музейлар куни

*Музей — халқ, миллат кўзгуси. У юртнинг узоқ ўтмишидан ҳикоя қиладиган моддий-маънавий ёргорликларни сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилишни амалга оширувчи илмий-маърифий, маънавий маскан саналади.*

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи Марказий Осиё ҳудудидаги энг кекса ва йирик музейлардан бири. Ноёб тарихий ёдгорликлар хазинаси ҳисобланмиш ушбу музей 1876 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб унинг фондида 1486 та тарихий буюм, 645 та танга, 9 та нишон, 12 та турли ёзувли тош бўлган, холос. Орадан кўп ўтмай, 1883 йилнинг декабрида самарқандлик ўлкашунос Мирзо Абдулло Бухорий 233 та турли хил буюм 3 та олтин, 36 та кумуш, 119 та мис танга, 5 та олтин узук, 21 та муҳр, 6 та турли хил майда тарихий буюмларни, тошкентлик ҳаваскор қадимшунос Акром Асқаров ҳам кўплаб олтин, кумуш ва мис тангалар, сопол, шиша, мис идишлар ва бошқа тарихий осори-атиқаларни музейга топширади. 1884 йили эса музей фонди В.Крестовскийнинг Самарқанднинг Афросиёбидан тўплаган йирик тарихий коллекцияси ҳамда Султон Теремқуловнинг 28 та буюм ва қўлёзмалари билан бойийди. Шу тариқа, музей фонди йил сайин янги топилмалар ҳисобига кўпайиб борди. Натижада 1884 йилнинг бошида музейнинг қишлоқ хўжалик бўлимида 700 та, минерология бўлимида 1300 та, зоология бўлимида 200 та, саноат ва ҳунармандчилик бўлимида 100 дан ортиқ тарихий буюмлар тўпланади. Бугунги кунда эса музейда 250 мингдан ортиқ экспонатлар сақланмоқда.

Музейда ҳозирги пайтда тош асридан то бугунги кунимизгача бўлган даврлардан сўзловчи экспонатлар намойиш этилмоқда. Улар орасида, айниқса, археология, этнография, нумизматика (тангашунослик)га оид нодир коллекциялар алоҳида эътиборга молик. Музейни томоша қилар экансиз, аввало, қўли гул ҳунармандларимиз тайёрлаган турли-туман нафис буюмлар — ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик, дўппидўзлик, гиламдўзлик сингари буюмлар эътиборингизни тортади. Ҳунармандчилик Ўзбекистонда қадим-қадимдан ривожланганига амин бўласиз. Бинобарин, Тошкент, Риштон, Бухоро, Самарқанд, Ғиждувон, Қарши, Шаҳрисабз, Ургут, Хива, Каттақўрғон, Китоб, Шеробод усталари томонидан яратилган коса, пиёла, лаган ва кўзалар ўзининг нозиклиги, пишиқлиги, рангининг жилоси, гўзал нақшлари билан дунёга машҳур бўлган. Қолаверса, музейдан ўрин олган Бухоро, Самарқанд, Хива, Фарғона, Қўқон, Маргилон, Ургут, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент ҳунармандларининг тўқимачилик намуналари ҳам киши диққатини тортади. Ипгазламалар, бир-биридан чиройли либослар, хотин-қизлар тақинчоқлари, заргарлик буюмлари эса кўзни қувонтиради. Хуллас, музей экспозициясига қўйилган минглаб осори-атиқалар, археологик ёдгорликлар, тарихий бойликлар, деворий расмлар, турли замонларда зарб этилган тангалар, ҳунармандчилик буюмлари, турли ҳажмдаги ҳайкаллар ва бошқалар ўлкамизнинг узоқ ўтмиши, бой тарихини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, аждодларимизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихидан тортиб, то бугунги кунимизгача ёрқин акс эттирувчи минглаб экспонатлар музей залига даврма-давр тартибли ва тушунарли қилиб жойлаштирилган.

Тарих музейи экспонатлари билан танишиш истагида бўлган юртдошларимиз ва хорижлик фуқаролари сони йил сайин ортиб бормоқда. Агар рақамларга эътибор берсак, 2004-2005 йилларда музейга келганлар сони 200 мингдан ошиб кетган. Хорижий давлатлар — Франция, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Австралия, Малайзиядан келган сайёҳлар ва меҳмонлар ҳам анчагина. Хорижликларни ўзбек хотин-қизларининг қадимги кийимлари, заргарлик ва зардўзлик буюмлар кўпроқ қизиқтиради. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи экспонатларининг энг қадимий ва ноёблари АҚШ, Австралия каби хорижий мамлакатларда намойиш этилиб, юксак баҳоланаётир.

Музей ходимлари турли йўналишларда салмоқли ишларни олиб боришмоқда. Айниқса, бу ердаги ноёб экспонатларни яхши ва сифатли сақлаш, фондларни янги материаллар ҳисобига бойитишда қатор ютуқларга эришилмоқда. Тарих фанлари доктори Жаннатхон Исмоилова раҳбарлигида илмий ходимлар — А.Газизова, З.Алимуҳамедова, Д.Ўтбосарова, С.Аъзамов, А.Қосимов, М.Левтеева, А.Ревес, Д.Муллажонова, В.Миносянц ҳамда йирик музейшунос олима Нафиса Содиқовалар музейнинг илмий ҳамда маданий-маърифий ва маънавий тарғибот ишларида жонбозлик кўрсатишяпти. Масалан, кейинги икки йил ичида уларнинг саъй-ҳаракати билан ўндан ортиқ кўргазмалар, амалий машғулотлар ташкил этилди, 2 та монография, 3 та альбом-каталог тайёрланди. "Ёшлар онгига миллий истиқлол мафкурасинини сингдиришда музейнинг ўрни" мавзусида эса илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда илмий ходимлардан Л.Левтеева "Музей ва мактаб", Ф.Расулова "Тарих музейининг мактаблар билан ҳамкорлик жараёнидаги умумий услубий йўналишлари", В.Миносянц "Музейнинг археология фондига қўшилган янги экспонатлар" мавзуларида қизиқарли маърузалар қилдилар. Музейда ўрта мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирокида маънавият машғулотлари мунтазам ўтказиб турилибди. Шунингдек, музей ходимлари Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети талабаларига Ўзбекистон тарихи бўйича, Маданият институти талабаларига музейшунослик бўйича музейда дарс ўтишда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи халқимизнинг узоқ ўтмиши, маданияти, давлатчилик тарихидан сўзловчи катта хазинадир. Бу хазина, айниқса, истиқлол йилларида Президентимизнинг ташаббуси, аниқроғи таклиф ва тавсиялари билан тарихимизга оид янги осори-атиқалар, қимматли топилмалар билан янада бойиди. Улар асосида халқимизга, ёшларимизга кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда ва бу ўз самарасини бераётир. Зеро, музей — тарих кўзгуси, тарихни ўрганмасдан туриб эса келажакни қуриб бўлмайди.

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ,**
**тарихшунос олим**

## СУЮК ИНСОН

**Азиз устозим Мавлуда опага**

Нега қиёс этгум билмайман сизни,
Нурли манзилларга элтдингиз бизни.
Ҳаёт чархпалаги айланар мудом,
Улуғликдан улуғ устоз деган ном.

Зулмат ичра қолса агар бу олам,
Кўксингизда юрак — ёритувчи шам.
Дил торингиз чалган сеҳрли наво —
Ғам-андуҳ толдирган қалбларга даво.

Ҳаёт саҳифангиз аста варақлаб,
Унди юрагимда ҳикмат чарақлаб.
Чулгаганда дардлар, ғамгин, нотанти,
Сизга боғлиқ мудом юрагим банди.

Ҳаётдан доимо қулиб ўтиш-чун,
Қўлимизда фақат меҳр тутиш-чун,
Йўлладингиз бизни орзулар томон,
Устоз номи суюк, сиз азиз инсон.

**Дилноза МУРОДОВА**

## Турмуш чорраҳаларида

*Беайб парвардигор. Инсон зоти борки, ўз ҳаётида озмикўпми, каттами-кичикми хато ишларга йўл қўяди. Бу хатоларнинг айримларини вақт ўтиб тузатиш мумкин. Лекин шундай хатолар ҳам бўладики...*

*Жамолиддин хотини билан қайнонасининг ҳою ҳаваслари олдида қатъиятсизлик қилганининг оқибатини ўйларкан, пиёладаги тўла ароқни бир кўтаришда бўшатди-да, газак қилиш ўрнига овозининг борича сўкинди...*

# ЎТКИНЧИ ҲАВАСЛАР ТУЗОҒИ

### Беш йил олдин

Кўнгли беҳузур бўлаётгани учун дўхтирга кўрингани кетган Муҳайё уйига нохуш кайфиятда қайтди. Унинг ранги оқариб кетганини кўрган Жамолиддин шошиб қолди.

— Тинчликми? Дўхтир нима деди?

— Тинчлик эмас, — деди Муҳайё ҳиқиллаб. — Бўйимда бор экан. Ҳомиладор эканман, билдингизми?

Бу хабарни эшитиб Жамолиддиннинг кўзлари қувончдан порлаб кетди.

— Ахир, бу ажойиб-ку! Фарзандимиз бўлади, биринчиси. Ҳайронман, сиз нега хурсанд бўлиш ўрнига кўз ёш тўкаяпсиз.

— Ўзингиз ўйланг, қорнимни қаппайтириб кўчада қандай юраман, ишга қандай бораман?! Бунинг устига тугсам фигурам бузилади-ку!

Хуллас, хотини болани олдириб ташламоқчи эканини айтди. Икковлари анчагина тортишишди, сан-манга бордилар. Эртасига Жалолиддин ишдан қайтиб уйда қайнонасини кўрди. "Келганлари яхши бўлибди, — ўйлади у. — Кечаги гапни айтаман, Муҳайёга ётиги билан тушунтирадилар". Лекин... Қайнонаси ҳар галгидек гапини "Онангиз, қандай яхши аёл эдилар. Раҳматли билан иккаламиз қил ўтмас дугона эдик"-дан бошлади. Сўнг:

— Муҳайё қизим бўлса, сизни ўглим деганман. Ҳозир ёшсизлар, айни ўйнаб-кулаётган пайтларингиз. Фарзанд кўришга ҳали улгурасизлар, — деди.

Қайнонасидан бу гапларни кутмаган йигит тахтадек қотиб қолди. Қайнонаси билан хотини бир неча кун дийдиё қилишгач, иродаси букилдими, шайтон устун келдими, ҳар ҳолда уларнинг гапига кўнди. Касалхонада эса дўхтир аёл уларни бу хато йўлдан қайтаришга уринди. Муҳайёнинг кейинчалик она бўлиш бахтидан мосуво бўлиб қолиши мумкинлигини айтиб, насиҳат қилди. Лекин...

### Бир ҳафта аввал

Эр-хотин етаклашиб, касалхонага боришди. Дўхтир аёл уларнинг дардини тинглагач, бош чайқаб «аттанг-аттанг» деб қўйди. Бу ўша беш йил аввал уларга насиҳат қилган врач эди. Дўхтир уларни таниб айтган гапларини эслатди ва "мен огоҳлантирган ҳол юз бермаганмикан, деб қўрқаман", деди. Афсуски, дўхтирнинг гумони тўғри чиқди. Болани олдириш пайти соғлигига путур етган Муҳайёнинг энди она бўлолмаслиги маълум эди...

Жамолиддин пиёладаги ароқни бир кўтаришда ичиб юборди-да, бўшаган пиёлани деворга осиглиқ турган суратга қараб отди. Бу ЗАГСдан ўтган кунлар Муҳайё билан тушган сурат эди. Пиёла чил-чил синиб, парчалари хона бўйлаб сочилиб кетди. Сурат солинган рамканинг ойнаси дарз кетди. Лекин бу дарз кўнгил ойнасининг синиқлари олдида ҳеч нарса эмасди...

**А.МАҲМУДОВ**

# Нотариус тасдиғи билан

## «Адолат» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

*Уйимнинг бир қисмини яқин қариндошимга бермоқчи эдим. Айтинг-чи, бу қандай тартибда амалга оширилади?*

**Н.Мирзаева,**
**Каттақўрғон тумани**

Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада тасдиқланади. Нотариуслар бунда мулкларни бошқа шахсга ўтказувчига тегишлилигини текширади. Бошқа шахсга ўтказилаётган мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи қуйидаги ҳужжатларнинг бири билан тасдиқланиши мумкин:

— шахсий мулк асосида уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома, шунингдек, якка тартибда иморат қурувчилар уй-жой қурилиши жамоасига уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги шартнома;

— олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома;

— уй-жой сотиб олингани тўғрисида нотариус томонидан берилган гувоҳнома;

— меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ворислик гувоҳномаси;

— эр-хотиннинг умумий молмулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳнома;

— давлат далолатномаси, давлат ҳокимияти ваколатли органларнинг қарори, корхона ва ташкилотлар маъмурияти ҳамда касаба уюшмалари қўмиталарининг биргаликдаги қарори.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатларда улар ҳокимиятлар (ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати)да қайд этилгани тўғрисидаги ёзув бўлиши керак. Нотариус уй-жой ёки хонадоннинг ўзгага топшириш ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжатдан ташқари, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматининг маълумотномасини талаб қилади.

Уй-жой хонадонни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш чоғида нотариус уйни, хонадонни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ бор-йўқлигини текширади. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати маълумотномасида тақиқ ёки арестнинг йўқлиги кўрсатилганидан қатъи назар, нотариуслар ана шундай маълумотларни нотариал идора ҳужжатлари бўйича текширишга мажбур.

Никоҳ қайд этилгандан кейин сотиб олинган ва эр-хотиннинг умумий мулки бўлган уй-жой ёки хонадон бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим улардан бошқасининг ёзма розилиги бўлган тақдирдагина тасдиқланади. Агар уй ёки хонадонни бошқа шахсга ўтказаётган фуқаро турмуш ўртоғи йўқлиги (бўйдоқ, бева эканлиги) тўғрисида ёзма ариза тақдим этса, нотариус бу ҳақда битимнинг бошқа қатнашчисини хабардор қилади. У эса бу ҳол унга маълум эканини тасдиқлаб аризага имзо қўяди. Ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат ва никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда бошқа ҳужжатлардан уй ёки хонадон умумий эмас, балки эр-хотиндан бирининг шахсий мулки экани маълум бўлган тақдирда битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.

**А.ДЎСТОВА,**
**Каттақўрғон шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси**

# Андеррайтинг нима?

*Яқинда газетада «Андеррайтинг», «Андеррайтер» деган сўзларни ўқиб қолдим. Айтинг-чи, булар нима ўзи, қандай маънони билдиради?*

**Г.Тожиева,**
**Тошкент шаҳри**

Саволга тўлиқроқ жавоб бериш учун, аввало, облигациялар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Облигация унинг эгаси пул маблағи берганини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Облигация унинг эгасига шу облигацияни чиқарган корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Корпоратив облигация эса шу облигация эмитенти (қарз олувчи)нинг эгаси (кредиторга ёки қарз берувчи)га белгиланган муддатда асосий қарзни ва қарз бўйича фоизларни тўлаши тўғрисида ҳужжатлаштирилган мажбуриятдир. Корпоратив облигациялар Ўзбекистон фонд бозорида қимматли қоғозларнинг янги тури саналади. Улар ёрдамида корхоналарни ривожлантириш ва хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш учун инвестиция сармоясини жалб этиш мумкин.

Андеррайтинг қимматли қоғозларни харид қилиш ёки уларни сармоядорлар ўртасида жойлаштириш кафолатини бериш ҳисобланади. Андеррайтинг қимматли қоғозларни чиқариш шартларини белгилаш, янги чиқарилувларини тайёрлаш, сармоядорларга қайта сотиш учун эмитентлардан сотиб олиш, жойлаштириш кафолатини бериш, сотиш бўйича гуруҳлар ташкил этиш кабиларни ўз ичига олади. Андеррайтер эса ана шу вазифаларни бажарувчи инвестиция муассасаси. Андеррайтер сифатида инвестиция муассасалари гуруҳи ҳам иштирок этиши мумкин.

Андеррайтингнинг асосан икки тури бор: Биринчиси, қатъий мажбуриятлар асосидаги андеррайтинг. Бунда андеррайтер қимматли қоғозларнинг бутун чиқарилувини ёки унинг бир қисмини қатъий нархларда жойлаштириш бўйича қатъий мажбуриятларга эга бўлади. Агар чиқарилувнинг бир қисми сотиб олинмаса, андеррайтернинг ўзи уни харид қилишга мажбур.

Иккинчиси, энг яхши ҳаракатлар асосидаги андеррайтинг. Бунда андеррайтер қимматли қоғозлар чиқарилувининг тарқатилмаган қисмини сотиб олиш бўйича ҳеч қандай мажбуриятга эга бўлмайди. У фақат жойлаштиришга интилади, бунинг уддасидан чиқолмаса, тарқатилмаган қимматли қоғозлар эмитентга қайтарилади. Бундай андеррайтер дистрибьютор, деб юритилади.

Андеррайтинг фаолияти мамлакатимизда Адлия вазирлигида 1999 йил рўйхатдан ўтказилган «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

**Шерзод МАРДОНОВ,**
**Нигора ҚАМБАРОВА**

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.БОТИРОВ
Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 301 Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган Қоғоз бичими А-2. Адади — 2751 Босишга топширин вақти — 20.00 Босишга топширилди — 03.40 2 3 4 5 6